

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГЛИҚУЛОВ УМИД МАМАДИЕВИЧ

**СУРХОН ВОҲАСИ ЭТНОМАДАНИЯТИ (ГЕНЕЗИСИ,
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ)**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданиятшунослик ва маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

**Менглиқулов Умид Мамадиевич
Сурхон воҳаси этномаданияти (генезиси, хусусиятлари ва
ривожланиш тенденциялари)..... 5**

**Менглиқулов Умид Мамадиевич
Этнокультура Сурханского оазиса (генезис, особенности и тенденции
развития).....24**

**Mengliqulov Umid Mamadiyevich
Ethnoculture of the Surkhan oasis (genesis, features and development
trends).....44**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....48**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МЕНГЛИҚУЛОВ УМИД МАМАДИЕВИЧ

**СУРХОН ВОҲАСИ ЭТНОМАДАНИЯТИ (ГЕНЕЗИСИ,
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ)**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(маданиятшунослик ва маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal179 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нишанова Озода Джалолитдиновна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Нурматова Мукаррам Ахмедовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Турсунов Нурулло Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот

**Камолитдин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Ижтимоий фанлар факультети биноси, 511-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871)246-02-24; E-mail: info@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

И.С.Саифназаров

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, фалсафа фанлари доктори,
профессор

Г.М.Рўзматова

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ж.С.Раматов

илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугун этномаданиятлар халқлар ва этник бирликларнинг миллий ўз-ўзини англаш ва идентикликни сақлаш, ёшлар онгида миллий-маданий меросга садоқат туйғусини тарбиялаш механизми сифатида ривожланмоқда. Этномаданиятлар анъана, урф-одатлар, ижтимоий муносабатларни, давлатлараро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, маданиятлараро диалогни такомиллаштириш омили сифатида қайта тикланмоқда. Шунингдек, айти пайтда замонавий турмуш тарзи шиори остида турли даражадаги «оммавий маданият» кўринишлари, «Готчилик», «Металистлар», «Эмочилик», «Рэперлар», «Панклар», «Хиппилар», «Рокерлар» каби субмаданият кўринишлари, инсон эркинлиги шиори остидаги ЛГБТ каби ҳаракатлар авж олмоқда. Шу боис, этномаданий анъаналарни оммалаштириш, миллий фестивалларни ташкил этиш, халқларнинг маънавий меросини ўрганиш ва авлодлараро ворисийликни таъминлаш орқали этномаданиятларнинг қадрсизланишини бартараф этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда этномаданиятларнинг тарихий, ижтимоий-маданий жиҳатлари, этномаданият трансформациясига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, қатор ривожланган мамлакатлар илмий тадқиқот марказлари ҳамда университетларида этномаданиятларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ривожлантирувчи омиллар, маданий интеграция, консолидация жараёнлари, диахрон ва синхрон коммуникатив алоқалар, этник ва метафизик маданият рамзларининг синтези ва трансмиграцияси, миллий идентикликни сақлаш, этномаданиятнинг ривожланишига ижтимоий муҳит, давлат бошқаруви, сиёсий вазиятнинг таъсирига оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари онгида миллий руҳни юксалтириш, умумий маданий қадриятларни сақлаш ва асрашда ҳудудий этномаданий қадриятларни қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Самарқандда «Шарқ тароналари», Қўқонда хунармандчилик, Шаҳрисабзда мақом, Бухорода «Ипак ва зираворлар», Наманганда гуллар, Нукус ва Термизда бахшичилик, Марғилонда «Атлас байрами» миллий матолар, Сурхондарёда «Бойсун баҳори» халқаро фестивалларининг ўтказилиши ёшларда миллий қадриятларни билиш, уларни ўрганиш ва янги авлодга етказиш масъулиятини шакллантирмоқда, бу фестиваллар мамлакатнинг умумий маданий анъаналари, этномаданиятини оммалаштириш воситаси вазифасини бажармоқда. Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадош Сурхандарё вилоятининг этномаданиятида миллий идентиклик билан бир қаторда маданиятлараро ўзаро таъсир унинг куй ва қўшиқлари, турмуш тарзи, маданий урф-одатлари, ижтимоий ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Шу боис, Сурхон воҳаси этномаданиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш умумий этномаданий ривожланишнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий-маданий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январдаги ЎРҚ-668-сон «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон «Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-112-сон «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккирлари этномаданий анъаналарнинг ижтимоий муҳит, диний қадриятлар билан боғлиқлигини асослаганлар. Хусусан, Авестода ахлоқ меъёрларига риоя қилиш халқ маданиятининг олий ибтидоси эканлиги; оила, тозалик-поклик билан боғлиқ урф-одатлар, А.Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» асарларида диний қадриятлар, миллий урф-одатлар, анъаналарнинг этник жиҳатлари, Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси» асарида ижтимоий муҳит ва давлат бошқарувининг халқ маданиятига таъсири, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида адолатли бошқарувнинг маданиятни асрашдаги роли, Ж.Румийнинг «Ичингдаги ичингдаир»¹ асарида маданият инсон қалбининг гавҳари эканлиги асосланган.

Хориж олимларидан Клайд К. Клакхон, Клод Леви-Стросс, Эдвард Бёрнетт Тайлор, Арнольд Джозеф Тойнби, Лесли Алвин Уайт, Освальд Арнольд Готтфрид Шпенглер, Йохан Хейзинга этносларнинг келиб чиқиши, этник қатламлар, этнология ва антропология, маданий антропологияда неоеволюционизм, урф-одат, анъана, маросим, байрамлар, умуминсоний қадриятлар, ибтидоий тасаввурлар, турмуш тарзи, хўжалик юритиш усули,

¹ Авесто. А.Махкамов таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001; Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968. –486 б.; Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. М.Хайруллаев таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1996; Низомулмулк Сиёсатнома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016; Румий Ж. Ичиндаги ичиндаир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018.

диний қадриятлар, тил, ижтимоий-тарихий жараёнлар билан боғлиқ этномаданий жараёнларни ўрганганлар².

МДХ олимларидан С.А.Арутюнов, Ю.В.Бромлей, Л.Н.Гумилев, С.Н.Иконникова, М.С.Каган, Л.Н.Коган, Е.А.Окладникова, А.П.Садохин, С.А.Токарев, М.О.Шаваевалар этномаданий жараёнларнинг назарий-методологик жиҳатлари, этномаданий қадриятлар, этномаданиятнинг функцияларини тадқиқ этганлар³.

Ўзбекистонда И.Жабборов, М.Е.Массон, С.Шермухамедов, Т.Маҳмудов, У.Қорабоев, А.Курбанмамедов, А.Очилдиев, Қ.Насриддинов, М.Сатторов, О.Нишонова, О.Мусаев, У.Утанова, Ф.Атамуратова, Р.Баратов, Г.Шодиметова этномаданиятнинг миллий ўзига хос жиҳатларини, кўпмиллатли давлатда этномаданиятнинг миллий маданият сифатида ривожланиш босқичлари, анъанавий-миллий байрамлар, урф-одатларнинг этномаданий хусусиятлари, тилнинг этномаданиятни ривожланиш омили сифатидаги аҳамияти, етук кадрлар тайёрлашнинг этномаданий хусусиятлари ва тамойилларини асослаганлар⁴. Жумладан, файласуфлардан У.Қорабоев

² Клайд К. Клакхон. Зеркало для человека. Введение в антропологию. 1944. (Русское издание — СПб: Евразия, 1998, ISBN 5- 8071-0009-3); Леви-Строс К. Структурная антропология. - М.: ЭКСМО-ПРЕСС, 2001. —С. 512; Тайлор Э.Б. Первобытная культура - Москва: Издательства политической культуры, 1989; Тойнби А. Дж. Постижение истории. —М.: Прогресс, 1991. —С.688; Тойнби А. Дж. Цивилизация перед суром истории. —М.: Рольф, 2002. —С.802; Лесли Алвин Уайт. Этнологические очерки: Избранные очерки Лесли А. Белый. Издательство Университета Нью-Мексико, 1987; Шпенглер О. Закат Европы. —М.: Прогресс, 1993; Хэйзинга Й. Homo Ludens в тени завтрашнего дня. —Москва: АСТ, 2004. —С.540.

³ Арутюнов С.А. Народы и культуры: развитие и взаимодействие. -М., 1989; Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. -М.: Наука, 1983; Бромлей Ю.В. Этносоциальные процессы: теория, история и современность. -М.: Наука, 1987; Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. —Тошкент: Фан, 2007; Гумилев Л.Н. Этносфера: история людей и история природы. -М.: Прогресс: Изд. фирма «Пангея», 1993. - 543 с.; Иконникова С.Н. История культурологии: идеи и судьбы. —СПб.: Питер, 1996; Каган М.С. Философия культуры как теоретическая дисциплина // Философия культуры. Становление и развитие. —СПб.: Изд. «Лань», 1998. —С. 3-24; Коган Л.Н. Теория культуры. —Екатеринбург, 1994; Окладникова Е.А. Этнические ценности // Этнос. Общественность. Вып. 2. -СПб., 2003; Садохин А.П., Шабаев Ю.П. Культурные границы и этнические маркеры в этнокультурном пространстве современной России // Общественные науки и современность. —М., 2012. -№ 6; Токарев С.А. Избранное. Теоретические и историографические статьи по этнографии народов и религий мира. -М., 1990; Шаваева М.О. Этнокультура как многофункциональная система взаимодействия. Автореф. дисс... канд. филос. наук. - Ростов-на-Дону, 2004. -20 с.

⁴ Жабборов И. Ўзбеклар. —Тошкент: Шарқ, 2008. -239 б.; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Перечень научных работ и публикаций М. Е. Массона. Ташкент, 1954; Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. —Фарғона, 2000. -42 б.; Маҳмудов Т. «Авесто» хақида. —Тошкент: Шарқ, 2000; Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. — Тошкент: Адолат, 2003. -225 б.; Қорабоев У., Соатов Ф. Ўзбекистон маданияти. —Тошкент: Тафаккур-бўстони, 2011. -193 б.; Қорабоев У. Маданият масалалари. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. -286 б.; Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. — Тошкент: Шарқ, 2002. -239 б.; Курбанмамедов А. Из истории эстетической мысли в Средней Азии (эпоха древности и раннего средневековья). — Ташкент, 2007. —168 с.; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. — Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий университети нашриёти, 2007. -102 б.; Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. — Тошкент: Чўлпон, 2007. -192 б.; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари: Фалс. фан. докт. ... дис. —Тошкент, 2016. -202 б.; Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари: Фалс. фан. докт. ... дис. автореф. —Тошкент, 2017. -59 б.; Утанова У.А. Мустақил Ўзбекистонда халқ маданиятининг равнақи (фалсафий-маданий ёндашув): Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. — Тошкент, 2008. -24 б.; Ўтанова У. Халқ маданияти: тарихи, назарияси, муаммолари. — Тошкент, 2007. -82 б.; Атамуратова Ф.С. Мустақиллик шароитида ўзбек миллий менталитетида этномаданий жараёнлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. —Тошкент, 2010. -24 б.; Баратов Р. Ўзбекистонда етук кадрлар тайёрлашнинг этномаданий хусусиятлари ва тамойиллари: Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. — Тошкент, 2020. -54 б.; Шадиметова Г. Миллий байрамларнинг эстетик хусусиятлари: Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. — Тошкент, 2021. -56 б.

этномаданиятнинг генезиси, турлари, ўзбек халқи одатлари, байрам ва маросимларини тадқиқ этган. О.Нишонова ўзбек аёллари этномаданияти, этномаданиятнинг эстетик хусусиятлари ва функцияларини, О.Мусаев глобаллашув шароитида миллатлараро муносабатлар ва этномаданий плюрализмнинг ижтимоий-сиёсий мазмуни ҳамда уларни туркумлаштириш тамойилларини, У.Утанова Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги халқ маданияти раънақини, Ф.Атамуратова урф-одат, анъана ва қадриятларнинг менталитетда намоён бўлиш хусусиятлари, миллий ғоя билан уйғунлиги масаласини, Р.Баратов Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида етук кадрлар тайёрлашда этномаданий хусусиятларнинг аҳамиятига инновацион ёндашувнинг моҳиятини, Г.Шадиметова миллий байрамларнинг генезиси ва тарихий-фалсафий эволюциясини эстетик категориялар тизими асосида тадқиқ этган.

Хориж ва Ўзбекистон олимлари ғоялари ўз аксини топган адабиётларда Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаёти, этномаданияти, урф-одатлари ва ижтимоий-маданий такомил босқичларига оид турли ёндашувлар ўз ифодасини топган, лекин ҳудудий бирликларнинг этномаданияти тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис, ушбу диссертацияда Сурхон воҳаси этномаданиятини ўрганиш, кўпмиллатли ҳудудда миллий идентикликни сақлаш, этномаданий урф-одатларнинг ижтимоий-маданий жиҳатларини очиб бериш ва тадқиқ этишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси доирасида бажарилади.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхон воҳаси этномаданиятининг генезиси, хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини маданият фалсафаси нуқтаи назаридан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек этномаданиятининг дунё халқлари маданияти билан ўзаро алоқасини тарихий ва замонавий ёндашувлар асосида очиб бериш;

ўзбек этномаданиятининг маданиятлараро диалог воситаси, миллатлараро тинчлик ва барқарорликка эришиш омили сифатидаги ролини асослаш;

ўзбек этномаданиятининг таркибий қисми бўлган сурхон этномаданиятига турли миллат вакиллари этномаданиятининг таъсирини асослаш;

сурхон этномаданиятини ривожлантиришнинг миллий менталитет, ижтимоий тараққиёт ва миллатлараро ўзаро ҳамжиҳатлик омили сифатидаги ролини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Сурхон воҳаси этномаданияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Сурхон этномаданиятининг генезиси, хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларининг фалсафий-маданий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда сўровнома, суҳбат, интервью, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек этномаданияти ва жаҳон цивилизацияларининг диалектик алоқадорлиги, этномаданий қадриятларнинг акмеологик, гносеологик, онтологик, когнитив хусусиятлари, уларнинг тарихий-этнографик, хўжалик-маданий типда ривожланганлиги, ижтимоий модернизация жараёнлари, маданиятлараро диалог, ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт омили сифатидаги роли очиқ берилган;

сурхон воҳасидаги урф-одат, анъаналар ва диний тасаввурлардаги метаморфозанинг ўзбек этномаданиятини ривожлантиришдаги аксиологик асослари этногенетик жиҳатдан диффузионизм, байналминаллашув ворисийлик ва новаторлик воситаси эканлиги исботланган;

сурхон воҳаси этномаданиятига байналминал (тожик, туркман, араб халқлари) маданиятлар таъсирининг миллий тил, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятида намоён бўлиши, мазкур ҳолат турли халқлар маданиятлари диалогли, цивилизациявий ҳамкорлигини конструктив воситаси сифатида амал қилиши асосланган;

сурхон этномаданиятидаги қадриятлар динамикаси, аксиологик идеалларнинг ижтимоий муҳит таъсирида трансформацияси, замон ва маконга адаптацияси ижтимоий ахлоқий онг, байрам, оилавий-маиший маросимларда ўз аксини топиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда акс этади:

этномаданиятнинг ижтимоий жараёнлар, маданиятлар диалогли таъсирида трансформацияга учраши, ўзбек ва сурхон этномаданияти жаҳон маданиятининг таркибий қисми сифатида урф-одатлар, анъаналарда намоён бўлиши асосланган.

Сурхон этномаданияти миллий руҳни сақлаш, миллий ўз-ўзини англаш омили эканлиги асосланган ҳамда унинг миллий тараққиётга таъсирига оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялардан халқлар ва миллатлар этномаданияти, турмуш тарзини, ижтимоий муносабатларини, ўзбек этномаданияти, хусусан Сурхон воҳаси этномаданиятининг тарихини ўрганиш, ҳозирги даврдаги трансформациясига таъсир этувчи омилларни

аниқлашга оид илмий тадқиқот ишларида, шунингдек «Фалсафа», «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» бакалавр таълим йўналиши талабалари учун ўқув адабиётларини тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда ўз аксини топган амалий таклиф-тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат», «Ренессанс», «Ўзбекистон тарихи» каналларида миллий маданиятнинг такомил босқичларининг тарғиботида оид кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Сурхон воҳаси этномаданиятининг генезиси, хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар асосида:

Ўзбек этномаданияти ва жаҳон цивилизацияларининг диалектик алоқадорлиги, этномаданий қадриятларнинг акмеологик, гносеологик, онтологик, когнитив хусусиятлари, уларнинг тарихий-этнографик, хўжалик-маданий типда ривожланганлиги, ижтимоий модернизация жараёнлари, маданиятлараро диалог, ўзаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт омили сифатидаги ролига оид хулосалардан Республика маънавият ва маърифат марказининг иш фаолиятида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор дастурининг V боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот тадбирлари» 21 банди «Бой маънавий меросимиз, меъморий ва тарихий ёдгорликларни кенг тарғиб қилиш, хорижий меҳмонларда мамлакатимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари ҳақида тўғри маълумот бериш ва ижобий имижини шакллантириш» мақсадида Ўзбекистоннинг туристик шаҳарларида фаолият олиб борадиган гидлар учун услубий қўлланма тайёрлашда ҳамда мазкур Қарорнинг VIII боб «Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустақкамлашга доир тадбирлар» 34 банди «Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси, меъморий ва тарихий ёдгорликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган мамлакатимиздаги объектлар ҳақидаги маълумотларни 3Д форматида намойиш этадиган электрон фото жамланма (виртуал саёҳат) яратиш ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш» мавзусида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 14 январдаги 0207-33-сонли маълумотномаси). Диссертация натижаларини амалиётга жорий этилиши ёшларда миллий ғурур туйғусини ривожлантириш ҳамда миллий-тарихий қадриятларимизга хурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилган;

сурхон воҳасидаги урф-одат, анъаналар ва диний тасаввурлардаги метаморфозанинг ўзбек этномаданиятини ривожлантиришдаги аксиологик асослари этногенетик жиҳатдан диффузионизм, байналминаллашув ворисийлик ва новаторлик воситаси эканлигига оид хулосалардан «Этномаданият» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январдаги 89.03-495-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот иши натижалари ўқув қўлланмани Сурхон этномаданияти борасидаги илмий маълумотлар билан бойишига хизмат қилган;

сурхон воҳаси этномаданиятига байналминал (тожик, туркман, араб халқлари) маданиятлар таъсирининг миллий тил, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятида намоён бўлиши, мазкур ҳолат турли халқлар маданиятлари диалоги, цивилизациявий ҳамкорлигини конструктив воситаси сифатида амал қилишига оид хулосалардан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўтказилган тадқиқотларда, жумладан, 2021 йил 18 ноябрда ўтказилган «Ўзбекистон фуқароларининг қадрият мезонлари ва тамойиллари» мавзусидаги чуқурлаштирилган интервью шаклидаги социологик сўровда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2022 йил 1 июлдаги 01-16/162-сонли маълумотномаси). Диссертация илмий натижаларидан фойдаланиш натижасида тадқиқот Сурхон воҳаси ҳақидаги янги, фактик маълумотлар билан бойиган ҳамда илмий хулосалар социологик сўровномани натижадорлигини ошишига хизмат қилган;

сурхон этномаданиятидаги қадриятлар динамикаси, аксиологик идеалларнинг ижтимоий муҳит таъсирида трансформацияси, замон ва маконга адаптацияси ижтимоий ахлоқий онг, байрам, оилавий-маиший маросимларда ўз аксини топишига оид хулосалардан Сурхондарё вилояти худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан амалга оширилган № ИЗ-20170927504-сонли «Сурхондарё вилояти тарихий экотуризм салоҳияти» номли грант лойиҳасида фойдаланилган (Сурхондарё вилояти худудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказининг 2021 йил 27 январдаги 8/4-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар грант лойиҳасини янги илмий-фактик маълумотлар билан бойишига ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (6 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбек этномаданиятининг эволюцияси ва фалсафий-методологик асослари**» деб номланади. Унда ўзбек этномаданиятининг эволюцияси, уни ўрганишнинг фалсафий-методологик асослари ва этномаданият ривожининг ижтимоий-маданий, маънавий-ғоявий омиллари ўрганилган. Бугунги глобаллашувнинг шиддати жаҳондаги кўплаб халқларнинг минглаб йиллар мобайнида шаклланган этник маданияти ва маънавий бойликларини йўқотиб юбормоқда. Мазкур ҳолат этномаданиятни асраш, келажак авлодларга узатиш ва ривожлантиришни долзарблаштирамоқда.

Ўзбек халқи таркибида учта йирик этник гуруҳ бўлганлиги илмий адабиётларда қайд қилинган бўлиб, улардан биринчиси энг қадимий даврлардан ўтроқ ҳолатда яшаган туркий элатлар ва Ўрта Осиёга милодий I минг йиллик охиридан бошлаб, узоқ давр давомида кўчиб келиб, аста-секин ўтроқлашган ва бошқа элатлар билан аралашиб кетган аҳолидир. Иккинчи гуруҳ - Шайбонийлар келишидан олдин қадимий туркий элатлар билан турк-мўғул қабилаларининг аралашмасидан келиб чиққан. Улар XX асрнинг бошларигача уруғ-қабилавий анъаналарини сақлаб, маҳаллий аҳолига кўшилмай ярим ўтроқ турмуш тарзида яшаб келганлар. Иккинчи гуруҳга кирувчи қавмлар этнографик адабиётларда «турклар» деб номланган. Уларнинг авлодлари ҳам Жанубий Сурхондарёни ўзларига макон қилишган. Ўзбекларнинг учинчи йирик этник гуруҳи XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрга кўчиб келган Дашти қипчоқ ўзбекларининг авлодларидир. Улар ярим кўчманчилик турмуш анъаналарини сақлаб қолган, чорвачилик ҳамда деҳқончилик хўжалигини бирга олиб борган қавмлардан иборат. Мазкур гуруҳнинг ўзига хослиги ирқий тузилишида монголоид белгиларининг анча сезиларли эканлиги, тилида «жўқчилар» шеваси кучли ва ўз номини «ўзбек» деб номлашидадир⁵.

Ўзбек этногенези ўсиб, ривожланиб, давом этиб, сўнгги босқичга ўтгач, ўзбек миллати шаклланган ва табиийки, бунда этномаданий ривожланиш муҳим роль ўйнаган. «Халқ тарихи ўз иқтисодий-хўжалик ва этномаданий ривожининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади, яъни унинг учинчи, миллат тарихи бошланади».⁶ Ўзбек халқи этномаданиятининг шаклланиши ҳам узоқ давом этган тарихий ва

⁵ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – Б. 27.

⁶ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007. – Б. 58.

этномаданий жараённи қамраб олиб, у ўзбек халқининг давлати ўз миллати номи билан юритилиши, суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топа бориши билан рўёбга чиқа боради.

Антропологик материаллардан аниқланишича, ҳозирги Ўзбекистон заминининг жанубида яшовчи, қадимда деҳқончилик билан кун кўрган аҳоли Ўртаер денгизининг шарқий қисмига хос европеоид ирқий типига бевосита алоқадор бўлган⁷. Бу фикр, юқорида келтирилган археологик маълумотлар билан ҳам тасдиқланади⁸. Масалан, шимолий Тохаристон худудида IX-X асрларда тарихий худудлардан энг нуфузлиси Чағаниён (Сағаниён) ҳисобланган: бу худуд Сурхондарё воҳасида жойлашган бўлиб, марказий шаҳри ҳам Чағаниён деб аталган⁹. Чағаниён аҳолисининг хўжалик юритиши, улар яратган маданий кадриятлар Сурхон воҳасининг этномаданий бойликлари ниҳоятда хилма-хил эканини тасдиқлайди.

Этномаданиятнинг фалсафий, ижтимоий, тарихий жиҳатлари, трансформацияси кўплаб ўзбек файласуфлари, тарихчи ва этографлари томонидан ўрганилди. Ушбу тадқиқотларда халқ маданияти, омма маданияти, учинчидан, аниқ бир этнос маданиятининг моҳияти (У.Ҳ.Қорабоев)¹⁰, этномаданиятнинг ўтмиш тажрибалари, келажак ҳақидаги тасаввурлар, социум дуч келадиган вазифаларни ҳал этишдаги аҳамияти (О.Нишонова)¹¹, халқ маданиятидаги анъанавийлик, тарихийлик ва замонавийликнинг маданий тараққиётга хизмат қилиши (У.Ўтанова)¹² асослаб берилган.

Диссертацияда аксарият мамлакатларнинг интеграцияга интилиши ва иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш истаги уларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзларининг этник ва маданий илдизларига қайтиш истаги билан боғлиқ бўлиши таъкидланади. Айниқса, уларга бўлган қаршилик сабаб бирлашганда, ўз манфаатларини уйғун тасаввур қилганларида, этник ва миллий маданият ўртасидаги муносабатлар муаммоси глобаллашув жараёнлари шароитида алоҳида маъно касб этаётганда бу тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда.

Диссертацияда замонавий цивилизация шароитида этномаданий кадриятлар муаммоси алоҳида ўрганилган ва улар кўпгина омилларга боғлиқ экани очиб берилган: биринчи навбатда, этноснинг дунёда ўзгаларга тақлид қилмасдан ўз ўрнини топа олиш қобилиятига, анъаналар ва янгиликларни бирлаштира олиш, очиклик ва иқтисодий рақобат чақириғини қабул қилиш ва шу билан бирга, унинг ақлий асосларини сақлаб қолиш. Ушбу муаммони

⁷ Гинзбург В. В., Трофимова Т. А. Палеоантропология Средней Азии. - М., 1972. - С. 80; Ходжайов Т. К. Этнические процессы в Средней Азии в эпоху средневековья. - Ташкент, 1987. - С. 51-52.

⁸ Шониязов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. - Тошкент: Шарқ, 2001. - Б.101.

⁹ В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. - С.123. К истории орошения Туркестана. Соч. Т. III. - С. 158.

¹⁰ Қорабоев У. Этнокультура (Традиционная народная культура). - Ташкент: Шарқ, 2005. - С. 22-23.

¹¹ Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти ва функциялари: Фалс. фан. докт. ... дис. - Тошкент: ЎзМУ, 2016. - Б.28.

¹² Утанова У.А. Мустақил Ўзбекистонда халқ маданиятининг равнаки (фалсафий-маданий ёндашув): Фалс. фан. ном. ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. - Б. 15.

ҳал қилишнинг асосий шарти глобал дунёда этномаданий қадриятларнинг ўзаро таъсир жараёнини тушунишдир. Этник маданият парадигмасини, унинг ривожланиш шартини таҳлил қилар эканмиз, шу асосда ҳақиқатан нимага мослашиш мумкинлигини англаш керак. Ушбу шароитда бизнинг жамиятимиз ҳам ўзининг ижтимоий моҳиятини етарли даражада англаши, замонавий цивилизация ижтимоий ўзгаришларига таъсир тенденцияларини аниқлаштириш зарур.

Этник гуруҳлар ва этник маданият, улар ривожланишининг ижтимоий-маданий динамикаси ва урф-одатларини ўрганишнинг долзарблиги замонавий дунёда этник гуруҳ мавжудлиги билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлигидан келиб чиқади. Ер юзидаги ҳар бир шахс у ёки бу этник гуруҳга мансуб бўлиб, этник маданиятнинг ташувчиси ҳисобланади. Бугунги кунда этник келиб чиқишга асосланган энг мураккаб ва кескин зиддиятларни кузатиш мумкин. Айнан этномаданиятларнинг йўқолиб кетиш хавфи ва анъанавий маданиятни қайта тиклашнинг иложи йўқлиги тўғрисида кўпгина концепциялар мавжуд бўлсада, улар этник маданият ва унинг ташувчилари билан боғлиқ барча масалалар мажмуаси эмас, муаммо этнос ҳодисасини ўрганишдаги турлича талқин қилишнинг мавжудлигидир.

Диссертацияда авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолган этномаданият нафақат миллатнинг, балки миллатлар бирлиги сифатида инсониятнинг ривожланиш динамикаси, доимий энергия ва энтропия (юнонча айланиш, ўзгариш) алмашинувини амалга ошириши асосланади. Бундай ҳолда, у анъанавий тизимнинг ишлаши учун муҳим роль ўйнайди ва борлиқнинг ижтимоий ва табиий шакллари билан интенсив алоқада бўлади. Этнос ва маданиятнинг ўзаро алоқаси шуни кўрсатадики, маданий тушунчаларни ўрганиш этнос назарияси билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шу сабабли ҳам жаҳон амалиётида этнос ва уларнинг маданияти ривожланишининг кўплаб концептуал моделлари келтирилган бўлиб, этник маданият динамикасига оид бир қатор гипотезалар асосли ҳисобланади.

Диссертацияда этник маданият доирасида этник ўзига хослик ва тарихий хотира бўлиши, ҳар бир миллат ўз дунёсини маҳсус ва ноёб деб билиши, уларнинг мавжуд анъаналар орқали барча тўпланган билим, кўникма ва малакаларни сақлаб қолиш истаги, тил ва дин этноснинг шаклланиши ва этник маданиятнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаши асосланган.

Тил дунёни идрок этишнинг муҳим воситаси, шунингдек, жамият билан алоқа қилишнинг ўзига хос усули экани, лекин бир хил тилга мансуб бўлган кўплаб халқлар турли хил диний қарашлар туфайли келишмовчиликларга дуч келиши ва шу тарзда маданий масофа ҳодисаси шакллана бошлаши таҳлил қилинган.

Этномаданият ривожининг яна бир омили ижтимоий хотира бўлиб, уни этник гуруҳнинг маънавий ҳаёт дарахти сифатида баҳолаш мумкин. У ўтмишдаги барча маданий ва тарихий воқеаларни ва фактларни энг аниқ шаклда келтиради ва ижтимоий адолатсизликка, тарихий ҳақиқатнинг бузилишига бефарқ бўлолмайди.

Шунингдек, этник маданият ривожда ижтимоий-иқтисодий омиллarning таъсири катта. Ушбу тизимнинг омон қолиш калити ҳар доим ўз-ўзини кўпайтириш ва барқарорликка интилиш бўлган. Бундай шароитда урф-одат ва анъаналар муҳим роль ўйнайди, бу эса янги ғоялардан устувор ҳисобланади. Этник маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари - анъаналарга таяниш ва хулқ-атвор, фикрлаш ва бошқалар соҳасида қабул қилинган турмуш тарзига қатъий риоя қилишдир. Этник маданиятда этноснинг ўзига хос психологик пардози шаклланади, уни атрофдаги воқелик билан боғлиқликнинг ўзига хос усули ва унга нисбатан хулқ-атвори белгиланган анъаналар, қадриятлар, моделлар ва хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари призмаси орқали шакллантириш мумкин.

Диссертацияда этник маданиятлар мавжудлигининг замонавий муаммолари сифатида ижтимоий онгнинг бир қатор элементларини атайлаб сақлаб қолиш, энг консерватив элементлар ва шаклларни оммалаштириш, этник гуруҳнинг тўлиқ ёки қисман изоляциялашуви, этник маданият тамойилларининг ўзгариши, этнос замонавий шароитларда маданий мулоқотда ва шаклда тенг шароитларда иштирок эта олмаслиги, этноцентризмнинг вужудга келиши кабилар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Сурхон воҳаси этномаданиятининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган. Унда сурхон этномаданияти – ўзбек этномаданиятининг таркибий қисми сифатида ўрганилиб, шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, воҳа этник гуруҳлари маданиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, Сурхон этномаданиятининг кўплаб хилма-хил ва бир-бирини тўлдирувчи маданий-генетик даврларни ўз ичига олиши, турли этник гуруҳларнинг маданиятлари билан ўзаро алоқаси, унинг Ўзбекистон миллий маконига кириб бориши ва интеграциялашув жараёнлари, шунингдек, замонавий модернизация жараёнларида иштирок этиши каби узоқ ривожланиш йўли ўрганилган. Кўплаб этно-анъанавий ва маҳаллий маданиятларда бўлгани каби, сурхон этномаданияти доирасида унинг анъанавий асослари, турли хил янгиликларнинг ривожланиши, бойитиш ва анъанавий маданият соҳасини замонавий маданиятга мослаштириш жараёнлари тадқиқ этилган.

Сурхондарё этномаданий ҳодисасининг жаҳон цивилизацияси тизимига кириши воҳа халқлари тарихини, уларнинг этник маданиятини англашда, тўғри тарихий онг ва миллий йўналишларни шакллантиришда катта илмий ва назарий аҳамиятга эга. Жаҳон цивилизацияси тизимига киришнинг этномаданий ҳодисаси миллий ғояни шакллантиришда, бутун минтақа этнослари тарихи давомида яхлитлигида маълум роль ўйнайди. Айнан шу жараён миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий ва маънавий тузилишини мустаҳкамлади, миллат ичида ҳам, бошқа халқлар ўртасида ҳам яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берди. Этномаданиятлар, этнопсихологик хусусиятлар, фалсафий ва диний таълимотларнинг фарқига қарамай, Сурхон воҳаси халқлари орасида миллатлараро бегоналашув ва бошқа халқларга нисбатан душманлик

бўлмаган. Жаҳон цивилизациясига дахлдорлик ҳисси ҳар доим миллат менталитетида бўлган. Бу ҳолат ноёб биоэтногенетик ҳодисанинг шаклланиши, этногенези умумий бўлган халқлар менталитетининг ривожланишига ҳисса қўшди, бу минтақа этник гуруҳларининг этнопсихологик мувофиқлиги учун асос бўлиб хизмат қилди.

Сурхон этномаданиятининг ўзига хослиги нафақат маҳаллий, балки жаҳон маданиятшунослик соҳасидаги долзарб ва мураккаб масалаларни ўрганишга нисбатан илмий қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу муаммоларни тарихий ва замонавий жиҳатдан ўрганиш ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англашининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, миллат ривожига этник маданий омилларнинг аҳамиятини очиб беришга тўртки бўлиши мумкин. Хусусан, воҳа этномаданий бойликларининг намуналари бўлган археологик топилмалар, халқ оғзаки ижоди, диний-фалсафий мазмундаги ўлмас кадрийларнинг аҳамияти катта.

Сурхон воҳаси Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ўзининг урф-одат, анъана ва маросимлари билан фарқланиб, ўзига хос этномаданият яратган. «Сурхондарё деганда, - дейди Президент Ш.Мирзиёев, аввало, улуғ азиз-авлиёлар, алломаларга ватан бўлган, мард ва олижаноб, ориятли эл яшайдиган табаррук замин кўз ўнгимизда намоён бўлади. Кўҳна Зараутсой ва Тешиктош ғорлари, Боботоғ ва Бойсундаги петроглиф расмлар, Бактрия ва Кушон каби давлатлар, Далварзинтепа, Кампиртепа, Холчаён сингари ноёб ёдгорликлар бу заминдаги қадимий цивилизация ва маданиятдан гувоҳлик беради»¹³. Дарҳақиқат, Сурхондарё қадимий, тарихий анъаналарга бой, гўзал табиатга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Урф-одатларининг аксарияти анимистик, магик, мифологик қарашларга бориб тақалади. Масалан, воҳада фарзанд туғилиши билан боғлиқ удум ва маросимларда муҳим ўрин тутадиган мифологик персонажлардан бири «ҳомий-момо» образидир. Воҳа аҳолисининг қарашларига кўра «момо» образи ҳомиладор аёлнинг зиён-заҳматдан ҳимоя қилувчи ва дояларга кўмаклашувчи афсонавий пир, ҳомий сифатида тасаввур қилинади. Денов, Қумқўрғон, Шеробод туманларида эса, Тувгич момонинг мифологик табиатига доир халқ қарашлари мавжуд бўлган. Хусусан, Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи 82 яшар Чучукмомо Ҳамроевнинг айтишича¹⁴ Тувгич момо қадимда яшаган серфарзанд ва катта оиланинг момоси бўлиб, умр бўйи доялик қилиб ўтган. Унинг қўли теккан ҳомиладор аёл эсон-омон ўз фарзандини кўлига олар ва момо ўз қўли билан киндигини кесган бола келгусида серфарзанд бўлар экан. Шунинг учун доя момолар ҳар сафар аёлнинг дарди тута бошлаганда Тувгич момо руҳига сиғиниб, ундан мадад сўрашар, шунда гўёки оппоқ кийинган момо аёлнинг боши узра намоён бўлиб, чақалоқ соғ-саломат туғилар экан.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ / Халқ сўзи 2019 йил 7 апрель.

¹⁴ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №1833. - Б. 49.

Борлиқни объектив тасвирлаш халқ ижоди ва санъатига оид асарни қайси ўлкада, юртда яратилганини, ўша ўлка, юртнинг табиатини, табиий манзарасини, жўғрофий белгиларини, иқлимини билишга ёрдам беради. Жумладан, «Алпомиш»даги жўғрофий тасвирлар, номлар дostonдаги воқеалар Бойсун, яъни Сурхон воҳаси билан боғлиқлигини кўрсатади. Воҳанинг гўзал табиатини, Олтинсой, Сангардак, Хонжизза, Сайроб, Дарбанд каби сулув гўшаларини бир бора кўрган, бепоен кир-адирларда бахшилардан дoston ва термалар тинглаган инсон бу диёрга умрбод мафтун бўлиб қолади¹⁵.

«Алпомиш» дostonида маънавий-ахлоқий қадриятлар уйғун ҳолда келади. Дostonдаги умуминсонийлик ушбу уйғунлик ифодаси сифатида намоён бўлади. «Яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва хунуқлик, адолат ва разолат, ботирлик ва кўрқоқлик, ҳаё ва беҳаёлик, андиша ва беандишалик, камолот ва таназзул ўртасидаги курашда умуминсоний, миллий қадриятларни дилига сингдирган халқ, миллат, элатларгина ҳаёт синовларига бардош бериб, ёвуз кучлар устидан ғолиб келиб, абадиятга дахлдор бўлганлар. Абадиятга дахлдорлик эса юксак нафосат ва ахлоқийликни ўзида мужассамлаштирган қадриятлар ҳосиласидир»¹⁶. Шу боис ҳам, «Алпомиш» дostonи асрлар оша, ўз кадр-қимматини йўқотмай, яшаб келмоқда.

Этнос маданиятининг умумий йиғиндисига мазкур этнос ҳаётида мавжуд бўлган маданий хусусиятларнинг барча шакллари, усуллари ва натижалари киради. Этник маданиятга этник анъаналар, этник символлар, фольклор намуналари (эпос, мусиқа, рақс ва ш.к.), этномиллий моддий маданият шакллари – турар жойлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар киради. Шунингдек, бунга иноэтник маданиятлардан ўзлаштирилган кўринишлар ва умумдунёвий интернационал маданият хусусиятлари, кўни-кўшни ва қариндош этносларга хос ҳудудий маданий кўринишлар ҳам киради¹⁷. Этник маданият этнос ҳаёт тарзининг деярли барча соҳаларида: тил, бола тарбияси, кийим-кечаклар, уй-жойлар қурилиши, иш фаолияти, уй хўжалиги ва албатта фольклорларда намоён бўлади. Этник маданиятнинг шаклланишига табиий шароит, тил, диний эътиқод ва этноснинг руҳий-маънавий бойлиги ҳам таъсир кўрсатади. Қолаверса, этник маданиятнинг муҳим элементи халқнинг номи-этноними ҳисобланади.

Сурхон ҳудудида ўзбек аждодларининг жойлашиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг илк аждодлари Мовароуннаҳрда ва унга кўшни ҳудудларда қадим замонлардан яшаганлар. Воҳада бақтрийлар, саклар, тохарлар, қарлуқлар, қанғарлар каби туркийзабон ва форсийзабон қавмлар яшаган. Юқоридаги қавмлар этногенетик жараёнда, ўзбекларнинг элат бўлиб шаклланишида фаол иштирок этганлар. Шунингдек, улар туркман, қозоқ ва қорақалпоқ халқларининг ҳам этник тарихида муҳим ўрин тутди. Жанубий

¹⁵ <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-khalqaro-bakhshichilik-sanati-festivali-ochilishiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

¹⁶ Нурматова М.А. Шахс маънавий камолотида эстетик ва ахлоқий қадриятлар уйғунлиги муаммоси: Фалс. фан. докт.... дисс. автореф. –Тошкент, 2010. – Б.12.

¹⁷ Аширов А., Атажанов Ш. Этнология. –Тошкент, 2006. –Б.

Сурхондарё худудидаги ўзбек аждодлари мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида, ўзбек элатининг тараққиётида ўзларининг муносиб ўринлари борлиги билан ажралиб туради.

Сурхон воҳаси жанубий худудларидаги аҳолини этник келиб чиқиши ва жойлашувини ўрганиш натижасида етарли этнографик маълумотлар тўпланиб, яхлит илмий тизимга солинди. Воҳадаги илгари тарихий адабиётларда қайд этилмаган кичик этник гуруҳлар, уларни худудий жойлашуви ҳақида манбалар келтирилди. Ушбу худудда шаклланган этник гуруҳлар, уларнинг урф-одатлари ҳамда анъаналарда тутган ўрни, ижтимоий турмуш тарихи ҳақида маълум илмий изланишлар олиб борилиши асносида муҳим натижаларга эришилди.

Диссертациянинг учинчи боби «Сурхон воҳаси этномаданиятининг ривожланиш тенденциялари: муаммо ва вазифалар» деб номланади. Унда мустақиллик йилларида сурхон этномаданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги сиёсат, унинг замиридаги ёшларни миллий руҳда тарбиялашга йўналтирилган вазифалар ҳамда унинг истиқболлари ўрганилган.

Диссертацияда ўзбек маданиятининг кўп минтақавий палитрасини ташкил этадиган этно-анъанавий маданиятлардан бири бўлган сурхон этномаданиятининг ўзига хос анъанавий жиҳатларини сақлаб қолиш, улардан ёш авлод маънавий-маърифий тарбиясида, жамият маънавий ҳаётини бойитишда фойдаланиш зарурати асосланган. Зеро, замонавий оммавий онгни тўғри шакллантиришда этномаданиятнинг роли катта. Сурхон этномаданиятида анча соддалаштирилган шаклда идрок этишни белгилайдиган кўплаб стереотиплар ва ўзига хос образлар мавжуд бўлиб, улар ушбу маданиятнинг мураккаб тарихий ривожланиш ва унинг ички ташкил этиш мантиғини кенг даражада нейтраллаштиради. Сурхон этномаданиятининг типик образи Алпомиш, сурхон бахшиси ёки «Бойсун баҳори» жаҳон этномаданиятининг ноёб дурдоналаридир. Шу билан бирга, бу этномаданиятни идрок этишни оммавий даражасида, қоида тариқасида, ушбу аломатларнинг унинг ички маконига кириб бориши билан бирга келади, бу муқаррар равишда маданиятнинг ўзи соддалашишига олиб келадики, пировардида бу кенг халқ орасида тез оммалашади.

Диссертацияда сурхон этномаданиятининг анъанавий жиҳатлари, шу жумладан, унинг тарихий генезиси, умумўзбек этномаданиятига қўшилиш жараёни, шунингдек этник ва миллий даражаларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги ҳолатини аниқлаш ва ўрганиш вазифасини ҳал қилиш йўллари изланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, сурхон этномаданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун «гуманитар технологиялар» омилининг юқори таъсиридан фойдаланиш, унинг ёрдамида анъанавий этномаданий қадриятларни оммалаштириш ва уни ташувчиларига сингдириш мумкинлиги қайд қилинади.

Мустақиллик йилларида воҳанинг этномаданиятини ўрганиш учун қулай имкониятлар яратилди. Хусусан, воҳада юз берган этномаданий

жараёнлар, воҳа аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш юзасидан бир қатор экспедициялар, тадқиқотлар амалга оширилди. Сурхон воҳаси этнографиясини ўрганиш нафақат республика миқёсида, балки хорижий давлатлар олимларининг ҳам тадқиқотларида ўз ифодасини топмоқда. 2001 йилда ЮНЕСКО Бойсунни инсониятнинг оғзаки ва номоддий қадриятлар макони сифатида эътироф этди. Ваҳоланки, ушбу юксак эътирофга дунёдаги 19 та ҳудуд сазовор бўлган, холос.

Селунғур, Обираҳмат, Мачай, Зараутсой каби маданият манзилгоҳлари шунингдек, Сурхон воҳасидаги илк ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари ҳамда илк шаҳар бирлашмалари бўлган Сополлитепа, Жарқўтон кабиларнинг вужудга келганлиги воҳада қадимдан маданият шаклланганлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан, воҳадаги анъанавий ўйинлар ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, ибтидоий жамият давридаёқ шаклланган. Анъанавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиб, қадимдан халқимиз орасидан кўплаб баҳодирлар, паҳлавонлар ҳамда ботирлар етишиб чиқишига хизмат қилган. Ота-боболаримиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда анъанавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланиб келишган.

Воҳада юзлаб этник гуруҳларнинг ҳозиргача сақланиб қолган ўзига хос маданияти, турмуш тарзи, урф-одат ва хўжалик машғулотлари турли-туман ва кўп қиррали Сурхон этномаданиятини юзага келтирган. Воҳа этник гуруҳларининг аксарияти чорвачилик билан шуғулланганликлари боис, бутун воҳа бўйлаб маданий алоқада бўлиб туришган. Сурхон этномаданиятида халқ оғзаки ижодининг ажралмас қисми ҳисобланган нақл, ривоят, асотир, миф ва афсоналар муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, халқ орасида айтиб юрилган жанрларни ўрганиш этногенезис масаласида, топонимикада, халқ эътиқоди ва маънавий-руҳий оламини ўрганишда қўл келади. Сурхон воҳаси халқ оғзаки ижодини ўрганиш, унинг фарқли томонларини ва бугунги ҳолатини фалсафий, этнографик жиҳатдан тадқиқ этиш (комплекс равишда) ҳали қўл урилмаган ишлардан деса бўлади. Оғзаки ижоддаги айтилиши, маъно-мазмуни, маросимчилик хусусиятларига кўра меҳнат кўшиқлари, тўй маросимлари билан боғлиқ кўшиқлар, йиғи-йўқловлар, марсиялар, оилавий-маиший ҳаёт билан боғлиқ кўшиқлар, шеърлар, халқ байрам ва сайиллари билан боғлиқ кўшиқлар ва бошқаларда воҳа халқининг жуда катта фалсафий даҳоси яширинган. Биргина, бахшичилик санъатининг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ва мустаҳкамлаш, уни миллий маданиятнинг ўзига хос «ташриф қоғози»га айлантириш учун биргаликда жиддий иш олиб боришимиз керак¹⁸, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Диссертацияда Сурхон воҳаси аҳолисининг узоқ даврлик тарихий таракқиёт мобайнида босиб ўтган этник тарихи, воҳа аҳлининг этник

¹⁸ <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-khalqaro-bakhshichilik-sanati-festivali-ochilishiga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

тараққиётида фаол иштирок этган этник компонентлар, воҳа аҳолисининг анъанавий машғулоти, моддий маданияти, маиший турмуш тарзи маросим ва удумлари ҳамда маънавий маданиятининг муҳим қирралари ҳамда уларнинг тарбиявий аҳамияти таҳлил этилган. Воҳа аҳолисининг этник тарихи ва маданиятини ёритишда шахсан иштирок этилган этнографик дала экспедициялари жараёнида тўпланган маълумотлар муҳим манба вазифасини ўтади. Ушбу манбаларда воҳа аҳлининг узок тарихий тараққиёти жараёнида яратган ниҳоятда улкан моддий ва маънавий маданияти, уларнинг тарих тажрибасидан муваффақиятли тарзда ўтиши, воҳа аҳлининг бой моддий маданияти, юксак маънавий қадриятлари инсоният цивилизациясининг бебаҳо мулкига айланиб келаётганида намоён бўлади.


